



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2017 йил 8 сентябрь, № 179 (6873) Жума

Сайтимиёга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КОЗОГИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаевнинг таклифига биноан 2017 йил 9-10 сентябрь кунлари Қозоғистонга ташриф буюради ва Ислоҳ ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитида иштирок этади.

Давлатимиз раҳбари ташриф доирасида Остона шаҳрида «ЕХРО — 2017» халқаро иختисослашган кўргазмасининг расмий ёпилиш маросимида иштирок этиши ҳамда хорижий делегациялар раҳбарлари билан икки томонлама қатор учрашувлар ўтказиши режалаштирилган.

У.А.

Ўзбекистон байроғи Нью-Йоркнинг молиявий маркази узра баланд ҳилпирамоқда

2017 йил 2 сентябрь кунин Нью-Йоркнинг молиявий маркази — Уолл-стритда мамлакатимиз муносабатларининг 26 йиллиги шарафига Ўзбекистоннинг Давлат байроғи кўтарилиши муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги доимий ваколатхонаси ва мамлакатимизнинг Нью-Йоркдаги бош консуллиги томонидан Туркистон — Америка ассоциацияси билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда Нью-Йоркнинг ижтимоий-сийсий доиралари, оммавий ахборот воситалари,

Ўзбек диаспораси вакиллари ҳамда шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари қатнашди. Қўлбаланд маросимга Ўзбек миллий либосларида келдилар. Мамлакатимиз Давлат мадҳияси садолари остида Ўзбекистон Давлат байроғи баланд кўтарилди.

(Давоми 3-бетда).



СЕНАТОР МУШОҲАДАСИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистон Республикасида давлат ташрифи икки қардош халқ учун улкан тарихий воқеликка, чинакам байрамга айланди.

Дўстлик ришталари янада мустаҳкамланади

Айниқса, водий, хусусан, Қирғизистон билан 447,4 километрлик чегара худудига эга Фарғона вилояти учун чегара муносабатлари ғоят муҳим стратегик аҳамиятга эга эканлиги барчамизга аён. Шу боисдан ҳам икки давлат раҳбарларининг учрашувини халқимиз оммавий ахборот воситалари орқали катта ҳаяжон, қизиқиш ва юксак ишонч билан кузатиб борди.

Жумладан, Фарғона вилояти, Сўх тумани ҳамда Фарғона туманининг Шохимардон, Ердон қишлоқлари аҳолиси учун чегарадаги борди-келди муносабатла-

ри ғоят оғрикли масалага айланиб бораётган эди. Учрашувлар чоғида азал-азалдан дўст, биродар бўлиб яшаган, бир ариқдан сув ичган, қуда-анда, оганини бўлиб кетган, орау-мақсадлари, миллий анъанаю қадриятлари муштарак икки халқнинг аҳиллигига соя ташлаётган ушбу муаммоларни ижобий ҳал этишга келишиб олингани ўзбек ва қирғиз халқлари дўстлиги, жипслиги ҳамда ҳамжиҳатлиги йўлидаги навбатдаги муҳим қадам бўлди.

(Давоми 3-бетда).

ИЛМ-ФАН РИВОЖИ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институтида 7 сентябрь кунин «Табиий бирикмалар кимёси, биологияси ва технологияси» мавзусида XII халқаро симпозиум бошланди.

Академик Собир Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институтининг 60 йиллик юбилейига бағишлаб ташкил этилган ушбу анжуманда манфаатдор вазирлик ва идоралар, таълим муассасалари вакиллари, Ўзбекистон, Россия, Хитой, Туркия, Қозоғистон, Покистон каби 10 дан ортиқ мамлакатдан илмий ва илмий-ишлаб чиқариш марказларининг етакчи олим ва мутахассислари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўсимлик моддалари кимёси институти таъбирига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирин А. Арипов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти И. Абдурахмонов, Ўсимлик моддалари кимёси институти директори Ш. Саъдуллаев, Россия Фанлар академияси академиги М. Юнусов, Қозоғистон Республикаси Миллий Фанлар академияси акаде-

миги С. Адеқенов ва бошқалар мазкур анъанавий форум илм-фан соҳасини барқарор ривожлантириш, илмий ишланмаларни яратиш ва иқтисодиётнинг реал секторига жорий этишда алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Мамлакатимизда илм-фаннинг бошқа йўналишлари қатори ўсимлик моддалари кимёси, биологияси ва технологияси соҳасида ҳам ўзига хос илмий мактаб шаклланди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти Марказий Осиёдаги табиий бирикмалар кимёсини ўрганиши, улардан дори воситалари ва қишлоқ хўжалиги ўсимликлари учун кимёвий препаратлар яратиш, соҳада фундаментал ва амалий изланишлар олиб боришга иختисослаштирилган энг йирик илмий-тадқиқот маркази ҳисобланади.

Институт жамоасининг кўп йиллик изланишлари туфайли мамлакатимиз ўсимлик дунёсида тиббиётда қўллаш мумкин бўлган, ал-

калоидлар, терпеноидлар ва фенол бирикмаларини сақловчи 600 га яқин, эфир майлари сақловчи 250 га яқин ўсимлик тури аниқланган. Тадқиқотлар натижасида 3 мингта яқин бирикма ажратиб олинган, 10 мингдан ортиқ янги бирикма синтез қилинган. 2 мингдан ортиқ бирикманинг фармакологияси ва токсикологияси ўрганилган, 60 дори воситаси синтездан ўтказилиб, улардан 35 таси тиббиётга таътиб этилган.

Мустақиллик йилларида 500 дан ортиқ ўсимлик тури ўрганилиб, улардан 1 миң 200 дан зиёд модда ажратиб олинган. 246 янги алкалоид, 12 проантоцианидин, 70 дан ортиқ флавоноид, 20 га яқин кумарин, 27 дитерпен ва тритерпен гликозидлар, 15 фитоэкдистероидлар, 4 иридоидлар тузилиши исботланган. 5 миңдан ортиқ гетероциклик бирикмалар синтез қилиниб, уларнинг фаоллиги ўрганилган. Гетероциклик бирикмаларнинг модификацияси имкониятларини кенгайтирувчи ассиметрик марказлар

яратиш услублари ишлаб чиқилди.

Бунинг натижасида 110 дан ортиқ ишланмага патент олинган ва уларнинг 41 таси амалиётда қўлланилмоқда. Хозирги кунда институт қошидаги таъриба-ишлаб чиқариш корхонасида 20 дан ортиқ дори воситаси субстанциилари ишлаб чиқарилмоқда, йилга 100 тонна ўсимлик хом ашёси қайта ишланмоқда.

Илмий изланишлар самарасида фенасал, галантамин, гидробромид, медамин, альбендазол, цитизин, кукумазим препаратлари ва ИФА тест-системаларининг айрим турлари бўйича импорт ўрни тўлиқ қолланди. Институт олимлари томонидан яратилган алланидин дори воситаси Россия Федерациясига экспорт қилинмоқда. Ушбу дорини ишлаб чиққан муаллифлар гуруҳи 2007 йилда Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника соҳасида биринчи даражали давлат мукофотига сазовор бўлган.

(Давоми 3-бетда).

САРХИЛ, ХУШТАЪМ ВА СИФАТЛИ

Хорижликлар заминимизда етиштирилган дала ва боғ неъматларига ана шундай баҳо беришмоқда.



Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» Миллий кўргазма мажмуасида II Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси давом этаётти. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг, «Ўзбекзоиқовқатхолдинг», «Ўзвинсоноат-холдинг» холдинг компаниялари, «Ўзагроэкспорт» акциядорлик жамияти, «Ўзбекзоиқовқатзахира» уюшмаси ҳамда бошқа тегишли ташкилотлар томонидан ўтказилмоқда.



Нуфузли форумда юртимиз деҳқон ҳамда фермер хўжалиқлари раҳбарлари, тадбиркорлар қаторида Австралия, Япония, Бангладеш, Сингапур, Жанубий Корея, Россия, Норвегия, Италия, Германия, АҚШ, Португалия каби дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатларидан 200 нафардан зиёд фирма ва компаниялар вакиллари ҳам қатнашаётти. Тадбирнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, бугунги кунда юртимиз далаларида етиштирилган мева-сабзавотлар, полиз маҳсулотларига халқаро доирада талаб тобора ортиб бораётти. Бу бежиз эмас, албатта. Эро, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларимизнинг мазаси бетакрор. Айниқса, улар экологик тозаллиги ҳамда инсон саломатлиги учун ниятда фойдаланилиши билан алоҳида ажратилад туради. Бу республикамизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб соҳага қаратилаётган эътибор, деҳқону соҳибкорларимизга яратиб берилётган қулай шарт-шароит ва имкониятлар самараси, десак, айна ҳақиқат.

(Давоми 3-бетда).

Валюта бозорида тенглик таъминланади

Мамлакатимизда бугунги кунда барча соҳада олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, энг аввало, фуқаролар манфаатларини таъминлаш, уларнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилгани билан ниятда аҳамиятлидир. Айниқса, сўнгги йилларда валюта сўбаси ва ташқи савдо фаолияти тизимини такомиллаштириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар миллий иқтисодиётга хорижий сармояларни жалб этиш, экспорт салоҳиятини ошириш, замонавий, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришлар ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини барқарор ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

ДЕПУТАТ ФИКРИ

Бирок амалиётда ташқи савдо қатнашчиларининг маблағларини хорижий валютага конвертация қилишда ортиқча маъмурий тўсиқлар мавжудлиги соҳани ислоҳ этишни таъқозо қилаётган эди. Бу борадаги муаммоларга биз, депутатлар худудларда бўлганимизда тадбиркорлик субъектлари ҳамда фуқаролар томонидан билдирилётган муурожаатларга кўп бор дуч келаётгандик.

Айтиш жоизки, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида валюта соҳасини тартибга солишнинг бозор механизмларини жорий этишга доир белгиланган вазифаларни рўйбга чиқаришда жорий йилнинг ўтган даврида кенг қўламли тайёргарлик ишлари олиб борилди.

Президентимизнинг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сибсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги

чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони миллий валюта тизимини ислоҳ қилишда муҳим қадам бўлди.

Бинобарин, айна пайтда ушбу ҳужжат билан мамлакатимизда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хорижий инвестицияларни жалб этишга тўқсинлик қилаётган муаммо ҳамда камчиликлар ва валютани тартибга солишда ортиқча маъмурий аралашувларга барҳам берилишига доир амалий сазъ-ҳаракатлар бошланди. Хусусан, эндиликда фақатгина бозор механизмлари асосида фаолият кўрсатадиган валюта бозорини шакллантириш, юридик ҳамда жисмоний шахслар томонидан чет эл валютаси жорий халқаро валюта операцияларини амалга ошириш учун банкларда эркин сотиб олиниши ва сотилиши кафолатланиши назарда тутилди.

(Давоми 3-бетда).

Саккиз тонналик палов

Унинг тайёрланиш жараёнини кўриш имкониятини қўлдан бой берманг.

Ўзбек миллий таоми — паловнинг Гиннесснинг рекордлар китобида киритилиши ҳақидаги хабар айна кунларда миллионлаб юрдошларимизга бағишланган ҳамда хо-рижликларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ушбу тарихий воқеа бугун пойтахтимизнинг Сайилгоҳ кўчасида бўлиб ўтади.

Мазкур жараёнини бевоқифа жойига келиб кўриш мумкин. Колаверса, уни «Guinness World Records»нинг интернетдаги сайти, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали ҳам тўғридан-тўғри кузатиб бориш имконияти мавжуд.

Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас...

Зап шундаки, миллий таомимизнинг халқаро миқёсда эътироф этилиши-дошларимизга бағишланган ҳам тадбир рижликларда мамлакатимизда илк бор ўтказилаётган «O'zbekim» миллий қадриятлар фестивали доирасидаги лойиҳалардан бири, холос. Кунин кеча «Nu'at Regency Tashkent» мажмуа-хонасида ана шу йирик тадбир олдида уюштирилган матбуот анжуманида унинг дастури тўғрисида батафсил маълумот берилди.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 15 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2017 йил 24 августда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар
1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилгандан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:
хуқуқий ахборот — норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг, уларга оид расмий шарҳларнинг, норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг қўлланилиш тартиби тўғрисидаги тушунтиришларнинг, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Глеумининг қонун ҳужжатлари қўлланилиши масаласи бўйича қарорларнинг матнлари, шунингдек суд амалиёти-ни умуллаштириш материаллари;

хуқуқий ахборотдан фойдаланиш — хуқуқий ахборотни эркин олиш ва ундан фойдаланиш имконияти;

хуқуқий ахборотни тарқатиш — номуайин доирадаги шахсларни хуқуқий ахборот билан таништиришга қаратилган ҳаракатлар.

4-модда. Хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлашнинг асосий принциплари

Хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлашнинг асосий принциплари хуқуқий ахборотни тарқатиш ҳамда ундан фойдаланишни таъминлашнинг ошқоралиги, очиллиги, ўз вақтидалиги, хуқуқий ахборотни излаш ва олиш эркинлигидан иборатдир.

5-модда. Хуқуқий ахборотдан фойдаланиш кафолатлари

Хуқуқий ахборотдан фойдаланиш давлат томонидан кафолатланади.

Фуқаролар хуқуқий ахборотни монеликсиз излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга.

Давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва мансабдор шахслар ҳар қимга хуқуқий ахборотдан фойдаланиш имкониятини белгиланган тартибда таъминлаш шарт.

Агар хуқуқий ахборот давлат сирларини ёки қонун билан қўрилгандаги бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар жумласига белгиланган тартибда киритилган бўлса, ушбу ахборотдан фойдаланиш чекланади.

2-боб. Хуқуқий ахборотни тарқатишни амалга оширувчи ва ундан фойдаланишни таъминловчи органлар ҳамда ташкилотлар

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида:

хуқуқий ахборотни белгиланган тартибда тарқатади, шу жумладан норматив-хуқуқий ҳужжатларни юбориш, эълон қилиш, ўз расмий веб-сайтга жойлаштириш орқали тарқатади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг матнларини ҳамда зарур бўлган тақдирда, уларга доир ахборот-таҳлилий материалларни расмий эълон қилиш ва ижрочиларга етказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига йўллайди;

хуқуқий ахборотни ўз вақтида тарқатишга ва ундан фойдаланишни таъминлашга қаратилган зарур тадбирларнинг ишлаб чиқишини ҳамда амалга оширилишини таъминлайди;

хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади;

норматив-хуқуқий ҳужжатлар мажбурий тартибда юбориладиган давлат органлари ва ташкилотларнинг рўйхатини тасдиқлайди;

хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

7-модда. Вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идораларнинг хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ўз ваколатлари доирасида:

хуқуқий ахборотни белгиланган тартибда тарқатади, шу жумладан норматив-хуқуқий ҳужжатларни юбориш, эълон қилиш, ўз расмий веб-сайтга жойлаштириш орқали тарқатади;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Хукуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида

◀ (Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Ўзи қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнларини ҳамда зарур бўлган тақдирда, уларга доир ахборот-таҳлилий материаллари юбориш ва расмий эълон қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига йўлайди;

марказий девонга келиб тушган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнларини ўз таркибий ва ҳудудий бўлинувларига ўз вақтида етказишни таъминлайди;

ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ўз таркибий ва ҳудудий бўлинувларига ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларидаги нормаларнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришга доир, жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ҳамда қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган зарур ишларни ташкил этади;

ўз фаолияти соҳасига оид ҳуқуқий ахборот фондларини шакллантиради;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган тартибда юротида;

жисмоний ва юридик шахсларнинг сўровларига кўра ўз фаолияти соҳасига доир ҳуқуқий ахборотни тақдим этади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўлланилиш тартиби ҳақида белгиланган тартибда тушунтиришлар беради.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлари ҳам амалга ошириши мумкин.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органидир.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўз ваколатлари доирасида:

давлат органларидан ва ташкилотлардан улар қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнларини ҳамда зарур бўлган тақдирда, уларга доир ахборот-таҳлилий материалларини (норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг концепцияси баён этилган тушунтириш хати, ўзгартиш ва қўшимчалар тушунтирилган ҳолдаги таққослаш жадвали ва бошқалар) қўғозда ва электрон шаклда олади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларининг ҳамда зарур бўлган тақдирда, тегишли ахборот-таҳлилий материалларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган рўйхат бўйича барча давлат органлари ва ташкилотларга электрон шаклда юборилишини таъминлайди;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг расмий эълон қилинишни амалга оширади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини юритиш тартибини тасдиқлайди;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат ҳисобига олиш ва қонун ҳужжатларини тизимлаштириш ишларини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг назорат нусхаларини юритади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг фондини шакллантиради; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини шакллантиради ҳамда юротида, ундан жисмоний ва юридик шахсларнинг белгиланган тартибда фойдаланишни таъминлайди;

ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгашининг ишини ташкил этади;

давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни, бу фаолиятга услубий раҳбарлик қилиш ҳамда уни назорат қилишни амалга оширади;

ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан тизимли мониторингни ташкил этади;

ҳуқуқий ахборотнинг тарқатилиши ҳолатини тизимли тарзда таҳлилдан ўтказиш ҳамда мазкур соҳадаги қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича тақлифлар тайёрлайди;

давлат органларини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, нодавлат нотижорат ташкилотларини, оммавий ахборот воситаларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб этган ҳолда жамиятда ҳуқуқий тарғиботни ташкил этади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказиш ҳамда уларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтириш бўйича намунавий тадбирлар режасини тасдиқлайди;

ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасида халқроқ ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари тегишича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига, Қорақалпоғистон Республикаси Ҳўқорғи Кенгашига, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашиларга ҳуқуқий тарғибот ва маърифатнинг ҳолати ҳақида ҳар йили ахборот тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлари ҳам амалга ошириши мумкин.

9-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида:

ҳуқуқий ахборотни белгиланган тартибда тарқатади, шу жумладан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни юбориш, эълон қилиш, ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириш орқали тарқатади;

ўзи қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга эга бўлган қарорларнинг матнларини ва зарур бўлган тақдирда, уларга доир ахборот-таҳлилий материалларни юбориш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига унинг ҳудудий органлари орқали йўлайди;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларига келиб тушган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнларини ўз таркибий ва ҳудудий бўлинувларига ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўз вақтида етказилишини таъминлайди;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларидаги нормаларнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришга доир, жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ҳамда қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган зарур ишларни ташкил этади;

ҳуқуқий ахборот фондларини шакллантиради;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган тартибда юротида;

жисмоний ва юридик шахсларнинг сўровларига кўра уларга ҳуқуқий ахборотни тақдим этади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўлланилиш тартиби ҳақида белгиланган тартибда тушунтиришлар беради.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

10-модда. Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлашда ахборот-кутубхона муассасаларининг иштироки

Ахборот-кутубхона муассасалари:

ўз фаолиятининг йўналишига оид ҳуқуқий ахборот фондларини шакллантиради;

ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқий ахборот фондидан фойдаланишни таъминлайди;

ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланувчиларнинг сўровларига кўра ҳуқуқий ахборотни тақдим этади.

Ахборот-кутубхона муассасалари ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлашда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шаклларда ҳам иштирок этиши мумкин.

11-модда. Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлашда таълим муассасаларининг иштироки

Умумтаълим, ўрта махсус, касб-ҳунара ва олий таълим муассасалари, шунингдек кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича таълим муассасалари (бундан бунён матнда таълим муассасалари деб юритилади) тегишича Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунара таълими маркази ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, шунингдек таркибда таълим муассасалари бўлган бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан ҳуқуқий ахборот билан таъминланади.

Таълим муассасалари:

ўз фаолиятининг йўналишига оид ҳуқуқий ахборот фондларини шакллантиради;

таълим олувчиларнинг ҳуқуқий ахборот фондидан фойдаланишни таъминлайди;

таълим олувчиларнинг сўровларига кўра ҳуқуқий ахборотни тақдим этади.

Таълим муассасалари ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлашда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шаклларда ҳам иштирок этиши мумкин.

12-модда. Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда фуқароларнинг иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлашда иштирок этади;

аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда иштирок этади;

ўз фаолиятига оид ҳуқуқий ахборот фондларини шакллантиради;

фуқароларнинг ҳуқуқий ахборот фондидан фойдаланишни таъминлайди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлашда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шаклларда ҳам иштирок этиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар ҳуқуқий ахборотни тарқатишни амалга оширувчи ҳамда ундан фойдаланишни таъминловчи органлар ва ташкилотларга кўмаклашиш ҳамда зарур ёрдам кўрсатиш орқали ҳуқуқий ахборотни тарқатишда иштирок этиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ҳамда ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши мумкин.

3-боб. Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тартиби

13-модда. Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш усуллари

Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш усуллари қуйидагилардан иборат:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнларини юбориш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий эълон қилиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий эълон қилиш;

ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш;

жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг сўровларига кўра ҳуқуқий ахборот тақдим этиш.

14-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни матнларини юбориш йўли билан тарқатиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнлари имзоланган кундан эътиборан бир кун ичида ва зарур бўлган тақдирда, уларга доир ахборот-таҳлилий материаллар (норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг концепцияси баён этилган тушунтириш хати, ўзгартиш ва қўшимчалар тушунтирилган ҳолдаги таққослаш жадвали ва бошқалар) уларни қабул қилган органлар томонидан қўғозда ва электрон шаклда қуйидаги тартибда юборилади:

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига;

вазирликларнинг, давлат қўмиталарининг ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва зарур бўлган тақдирда, уларга доир ахборот-таҳлилий материалларни бошқа давлат органларига ва ташкилотларга юбориш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан уларнинг матнларини улар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига келиб тушган кунни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган рўйхат бўйича электрон шаклда йўллаш орқали амалга оширилади. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари улар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан бир кун ичида бошқа давлат органларига юборилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини юбориш уларнинг матнларини ва зарур бўлган тақдирда, уларга доир ахборот-таҳлилий материалларни бир кун ичида ушбу органлар томонидан ўз таркибий ҳамда ҳудудий бўлинувларига, давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳудудий бўлинувларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига йўллаш, шунингдек кейинчалик уларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига бериш учун ҳудудий адлия органларига йўллаш орқали амалга оширилади.

15-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий эълон қилиш йўли билан тарқатиш

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасида назарда тутилган нашрлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манбалардир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манбалар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда нашр этилади ва очик обуна йўли билан тарқатилади.

Расмий манбаларда эълон қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хронологик тартибда кетма-кет жойлаштирилади.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнлари «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»да ушбу ҳужжатларнинг рақами ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтказилган санасига мувофиқ хронологик тартибда кетма-кет жойлаштирилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг бир қисми расмий манбаларда эълон қилинганда норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг номидан кейин «Кўчирма» деган ёзув жойлаштирилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манбаларда эълон қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат матни мазкур ҳужжатни қабул қилган орган томонидан расмий равишда йўлланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг матнига мувофиқ бўлиши керак.

Катта ҳажми норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манбаларга илова тарзида эълон қилиниши мумкин.

16-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий эълон қилиш йўли билан тарқатиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасида назарда тутилган манбаларда эълон қилиш норасмий эълон қилишдир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий эълон қилиш жисмоний ва юридик шахслар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларини даврий нашрларда, веб-сайтларда, қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимларида эълон қилиш, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга доир рисолалар, тўпламлар ва шарҳлар эълон қилиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Кодексларни, қонун ҳужжатлари тўпламларини нашр қилишда, шунингдек қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимларини реализация қилишда улар нашр қилинаётган (реализация қилинаётган) санадаги назорат ҳолатига келтирилган бўлиши лозим.

Норасмий нашрларда, шу жумладан қонун ҳужжатларининг электрон ахборот тизимларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бошқа тиллардаги норасмий таржималари эълон қилиниши мумкин. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг норасмий таржималари норасмий таржима эканлиги ҳақидаги белгига эга бўлиши лозим.

17-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлашда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига жойлаштириш йўли билан таъминлаш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида расмий эълон қилиш улар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига келиб тушган пайтдан эътиборан бир кун ичида «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий эълон қилиш» бўлимида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорларини, Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумларининг қонун ҳужжатлари қўлланилиши масалалари бўйича тушунтиришлар бериш тўғрисидаги қарорларини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига улар имзолангандан кейин бир кун ичида юборади.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида жойлаштирилган Ўзбекистон Республикаси халқроқ шартномаларининг матнлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг матнлари маълумот хусусидаги эга бўлиб, ҳужжатнинг келиб тушиши ва унга ишлов берилишига қараб, бироқ улар расмий эълон қилингандан кейин у кундан кечиктирмай янгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан фойдаланиш бепул амалга оширилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларининг электрон шакллари уларни қабул қилган органларнинг расмий веб-сайтларига белгиланган тартибда мажбурий тарзда жойлаштирилиши шарт.

Давлат органларининг расмий веб-сайтларига ҳуқуқий ахборот давлат тилида жойлаштирилиши керак. Расмий веб-сайтнинг бошқа тиллардаги шакллари ҳам бўлиши мумкин.

Давлат органларининг расмий веб-сайтларига жойлаштирилган ҳуқуқий ахборот ишончли бўлиши ва у оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиган ахборот билан бир хил кучга эга бўлиши лозим.

18-модда. Ҳуқуқий ахборотни давлат органларининг расмий веб-сайтларига жойлаштириш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларининг электрон шакллари уларни қабул қилган органларнинг расмий веб-сайтларига белгиланган тартибда мажбурий тарзда жойлаштирилиши шарт.

Давлат органларининг расмий веб-сайтларига ҳуқуқий ахборот давлат тилида жойлаштирилиши керак. Расмий веб-сайтнинг бошқа тиллардаги шакллари ҳам бўлиши мумкин.

Давлат органларининг расмий веб-сайтларига жойлаштирилган ҳуқуқий ахборот ишончли бўлиши ва у оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиган ахборот билан бир хил кучга эга бўлиши лозим.

19-модда. Ҳуқуқий ахборотни давлат органларининг расмий веб-сайтларига жойлаштириш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларининг электрон шакллари уларни қабул қилган органларнинг расмий веб-сайтларига белгиланган тартибда мажбурий тарзда жойлаштирилиши шарт.

Давлат органларининг расмий веб-сайтларига ҳуқуқий ахборот давлат тилида жойлаштирилиши керак. Расмий веб-сайтнинг бошқа тиллардаги шакллари ҳам бўлиши мумкин.

Давлат органларининг расмий веб-сайтларига жойлаштирилган ҳуқуқий ахборот ишончли бўлиши ва у оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиган ахборот билан бир хил кучга эга бўлиши лозим.

20-модда. Жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг сўровларига кўра ҳуқуқий ахборот тақдим этиш

Жисмоний ва юридик шахслар ўз фаолиятига тааллуқли ҳуқуқий ахборотни тақдим этиш тўғрисидаги сўров билан

давлат органлари ва ташкилотларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳуқуқий ахборотни тақдим этиш тўғрисидаги сўров у келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кундан кўп бўлмаган муддатда қўриб чиқилиши лозим.

Расмий нашрларда эълон қилинган ёки расмий веб-сайтларга жойлаштирилган ҳуқуқий ахборот сўралганда давлат органлари ва ташкилотлар сўровга жавобда сўралаётган ахборот эълон қилинган расмий нашрнинг номига, чиқарилиш санасига ва сонига ёки сўралаётган ахборот жойлаштирилган расмий веб-сайтнинг электрон манзилига жавоба бериши мумкин.

Ҳуқуқий ахборотни электрон тарзда тақдим этиш бепул амалга оширилади. Ҳуқуқий ахборотни қўғозда тақдим қилганлик учун томонларнинг келишувига кўра ҳақ олиниши мумкин.

Ҳуқуқий ахборотни тақдим этиш тўғрисидаги сўровни қаноатлантиришни рад этиш асосланган бўлиши лозим.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

21-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўлланилиш тартибини тушунтириш

Жисмоний ва юридик шахсларнинг сўровига кўра давлат органлари ва ташкилотлар ўз фаолиятига тааллуқли норматив-ҳу

ИЛМ-ФАН РИВОЖИ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

2016 йилда ўтказилган IX Инновацион гоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида Халқаро интеллектуал мулк ташиқотининг "Энг яхши ихтиро ҳамда унинг коммерциализацияси учун" олтин медали "Антирастритик фаолликка эга воситани олиш усули" патенти учун Ўсимлик моддалари кимёси институтига топширилди.

аҳолини арзон ва сифатли дори воситалари билан таъминлаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Ўсимлик моддалари кимёси институти биологик фаол табиий ва синтетик бирикмаларни ўрганиш ҳамда улардан дори воситалари ва кимёвий препаратлар ишлаб чиқишда дунёда етакчи ўринда туради. Мазкур халқаро симпозиум олимлар учун ўзаро тажриба алмашиш, янги тадқиқотларни намойиш қилиш ва илм-фан ҳақида кўришилган таъбиий йўналишларни муҳокама этишда қўлай имконият бўлди.

тутути ўртасида илмий ҳамкорлик, мутахассислар алмашиш ва табиий бирикмалар кимёси бўйича симпозиумлар ташкил этиш мақсадида меморандум имзоланган, — дейди Яқин Шарқ университетининг фармацевтика факультети департамент директори, профессор Хусну Жан Башер (Туркия). — Ушбу келишувга мувофиқ, халқаро симпозиум 1994 йилдан буён ҳар икки йилда бир маротаба Ўзбекистон ва Туркияда, 2011 йилдан бошлаб Хитойда ҳам ўтказиб келинмоқда. Мамлакатингизда нуфузли анжуманга юксак савияда тайёргарлик кўрилган. Жорий йилда анжуман учун дунёнинг кўплаб давлатлари олимларининг 50 дан ортиқ маърузаси танлаб олинган. Бу фунда-

ментал илмий тадқиқотларни ривожлантириш, жаҳон бозорида рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун шарт-шароит яратиш, инновацион фикрлаш қobiliятига эга янги авлод кадрларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

логик фаоллиги, Кипр хушбўй ўсимликлари ва эфир майлари, ўсимлик маҳсулотларини рўйхатдан ўтказиш, аънанавий Хитой дори-дармонларидан тайёрланган биоактив табиий бирикмалар, нагилактон Внинг атеросклерозга таъсири каби мавзулар муҳокама қилинди.

«Менинг Биринчи Президентим»

Юртимиз ёшлари ўртасида шу номда ўтказилган иншоолар танлови якунига етди.

Ўзбекистон давлат тиллари университетида «My First President» («Менинг Биринчи Президентим») инглиз тилидаги иншоолар танлови якунига етди.

ЭХТИРОМ

Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов номидagi илмий-маърифий мемориал мажмуа, Ислам Каримов номидagi Республика хайрия жамоат фонди, Олий ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети томонидан ташкил этилди.

Биринчи Президентимизнинг рафиқаси Татьяна Каримова ҳамда бошқалар Ислам Абдуғаниевич Каримов ўз улуг инсонинг сўнмас хотираси миннатдор юртдошларимиз, бутун халқимиз қалбида абадий сақланиб қолишини таъкидлади.

Саидазиз Аъзамов — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида тахсил олади. Унинг ёзган ижодий иши самимийлиги билан алоҳида эътироф этилиб, «Менинг Биринчи Президентим» тўпламига киритилди.

Ўзбекистон байроғи Нью-Йоркнинг молиявий маркази узра баланд ҳилпирамоқда



(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойиллари асосланган вазмин ва тинчликсевар ташқи сиёсат юритиш борасида салмоқли муваффақиятларни қўлга киритгани таъкидланди.

бир дақиқа сукат сақлашни тақдир қилди. У Америка Қўшма Штатларида яшайдиган ўзбекистонликлар республикамиз мустақиллигининг 26 йиллиги байрамими катта шодлик ҳамда фахр билан нишонлаётганини айтиб ўтди.

ланганидек, юртимизда маънавий кадрлар, Ўзбекистон ҳудудиде истиқомат қиладиган халқларнинг урф-одат ва аънаналари қайта тикланди.

Маросимнинг кўп сонли иштирокчилари олдиде аънанавий ўзбек халқ ашула ҳамда рақсларидан иборат маданий дастурнинг миллий либосларда намойиш этилгани жаҳоннинг турли бурчакларидан келган юзлаб сайёҳлар эътиборини ҳам жалб қилди.

Дўстлик ришталари янада мустақамланади

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Юртбошимизнинг учрашувлар чоғида: "...Ҳозир одамлар: "Наҳотки, биз авваллари булгани каби Андижон ва Ушга бориб-келамиз?" деб савол бермоқда". деган сўзлари халқимиз дилидаги хоҳиш-истакнинг ёркин ифодасидир.

ви бу қардош халқлар муносабатларида янги даврни бошлаб берди. Бу эса, албатта, меҳнатқаш халқимизнинг эртанги буюк истиқболимизга бўлган ишончини юксалтиради ҳамда муносабатларимизни янада мустақамлаштиради.

Валюта бозорида тенглик таъминланади

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Янги амалиётга кўра, юридик шахслар ўз маблағларини банкларда товар, иш ҳамда хизматлар импорти, кредитларни қайтариши, хизмат сафарига боражатарини тўлаш ва бошқа савдо характерига эга бўлмаган операцияларни амалга ошириш учун чет эл валютасига чекловларсиз эркин конвертация қилишлари мумкин.

Бой ҳаётий тажриба, маънавий тарбия манбаи

Мамлакатимизда ёши улуг инсонларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг тўқис ҳаёт кечирилари учун муносиб турмуш шароитларини яратиш бериш эзгу қадрият даражасига кўтарилган.

ЖАРАЁН

Халқаро пресс-клубда бўлиб ўтган "Нуронийлар — бой ҳаётий тажриба, маънавий тарбия ва руҳий қувват манбаи" мавзусидаги матбуот йиғилишида шўх хусусида батафсил сўз юритилди.

барпо этиш ҳамда уларга "Нуроний" жамғармаси туман (шаҳар) бўлимларини жойлаштириш учун хоналар ажратилиши вазифаси ҳам кўзда тутилган. Утган даврда бу борада муайян ишлар амалга оширилди.

Соғломлаштириш мажмуаси ишга тушди

Гиждувон туманининг Зафаробод қўрғониде "Янги ҳаёт" соғломлаштириш мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.


БЎЎДҚОРЛИК

Навоий кон-металлургия комбинатининг қарийб 5 миллиард сўм маблағи ҳисобидан қад ростилаган ушбу масканда маданий ва спорт тўғрисидаги фаолият қўрғонига эъзолик бўлиб, — дейди комбинатнинг кон бошқармаси директори ўринбосари Алижон

Бозоров. — Бу эса, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишда кўп келади. Мажмуага Навоий кон-металлургия комбинати томонидан 2 минг 300 та бадий китоблар совға қилинди.

САРХИЛ, ХУШТАЪМ ВА СИФАТЛИ

Хорижликлар заминимизда етиштирилган дала ва боғ нъматларига ана шундай баҳо беришмоқда.



(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Навбатдаги ярмарка ўзаро алоқаларни янада мустақамлаштиради хизмат қилиши билан аҳамиятlidir. Зотан, унинг дастурида бир қатор семинар ҳамда учрашувлар, қайта ишлаш корхоналарига ташрифта ўтказилмоқдаки, бу — иштирокчиларга фикр ва тажриба алмашиш, фойдали мулоқотлар уюштириш учун қўлай имконият.



(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

— Ўзбекистон заминиде етиштирилган мева-салқиннинг ўзгача таъми бор, — дейди беларуслик ишбилармон Андрей Думпа. — Шў боис бир неча йиллардан буён юртингиздан ўрик, қовун сингари маҳсулотларни харид қиляпмиз. Бу йил эса кўпроқ узум сотиб олиш ниятидамыз. Чунки бизда ушбу нъматга талаб няхотда кўпайди.



(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

лот етиштириш жараёни билан яқиндан танишиб, ҳамкорлик алоқаларини янада мустақамлаштиради тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиб, ўзаро тажриба алмашишлар.

Абдугани УМИРОВ, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси.

Абдугани УМИРОВ, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси.

Хосан ПАЙДОЕВ, Бахтиёр АҚРАМОВ олган суратлар.

Шаҳрам Гиёсов — жаҳон чемпионатининг энг яхши боксчиси



Германиянинг Гамбург шаҳрида бокс бўйича жаҳон чемпионати якунлангандан сўнг Халқаро ҳаваскор боксчилар ассоциацияси (AIBA) мусобақанинг энг яхши чарм кўлқоп устасини аниқлаш мақсадида "Twitter" ижтимоий тармоғи орқали сўровнома ўтказди.

ХУШХАБАР

Унда тўрт спортчи, 2017 йилги жаҳон чемпионлари — Шаҳрам Гиёсов (Ўзбекистон), Хулио Сесар ла Круз (Куба), Софьян Умиа (Франция), Александр Хижняк (Украина) номзод сифатида кўрсатилди. Сўровномада мингга яқин фойдаланувчилар иштирок этди. Қувонарлиси, улардан

ярмидан кўпроғи, аниқроғи, 56 фоизи ҳамюртимизни қўллаб-қувватлаб овоз берди. Шундай қилиб, Шаҳрам Гиёсов жаҳон чемпионатининг энг яхши боксчиси, деб топилди. Бу ўзбек бокс мактабининг бугунги салоҳияти халқаро миқёсда тан олинганининг яна бир ёрқин тасдиғидир.

Шавкат Ортиқов.

- 15 % Хулио Цезарь Ла Круз (Куба)
- 12 % Софьян Оумиҳа (Франция)
- 17 % Олександр Хижняк (Украина)
- 56 % Шаҳрам ГИЁСОВ (ЎЗБЕКИСТОН)

Касаба уюшмалари халқаро муносабатларни ривожлантирмоқда

Россия мустақил касаба уюшмалари Федерацияси раиси Михаил Шмаков раҳбарлигидаги делегация расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

ҲАМКОРЛИК

Ушбу ташрифдан қўзланган мақсад Россия ва Ўзбекистон касаба уюшмалари ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш, юртимизда турли тармоқлар ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини янада таъминлаш, ижтимоий шериклик ҳамда ижтимоий мулоқотни кенгайтириш йўналишларида олиб борилаётган қамровли ишлар билан танишишдан иборатдир. Ташриф давомида делегация аъзолари мамлакатимизда турли соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар ва уларнинг натижалари, юртимиз касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишлари билан таништирилди. Учрашувда асосий эътибор фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари

ҳамда меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, аҳоли бандлиги, меҳнат муҳофазаси соҳасидаги ижтимоий шериклини ривожлантириш масалаларига қаратилди. Таъкидлаб ўтилганидек, фуқароларнинг ўз билим ва салоҳиятларини кенг намоён қилиши, уларнинг фаоллигини ошириш учун республикамизда барча шарт-шароит яратилган. Тадбирда юртимизда инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган эътибор натижасида аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, ижтимоий меҳнат соҳасидаги масалаларни муваффақиятли ҳал қилиш, фуқаролар меҳнат ҳуқуқини самарали таъминлаш имконияти кенгайиб бораётгани эътироф этилди. Мазкур йўналишлардаги ишларга ўз сафларида 6 миллион нафардан зиёд аъзолари бир-

лаштирган мамлакат касаба уюшмалари ҳам муносиб ҳисса қўшаётди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2017 — 2019 йиллар учун мўлжалланган Бош келишув, унинг асосида 95 та тармок, 14 та ҳудудий келишув, корхона ва ташкилотларда эса 158 мингдан ортиқ жамоа шартномалари амал қилмоқда. Учрашув давомида мамлакатимизда давлат, иш берувчилар ҳамда касаба уюшмалари ўртасида йўлга қўйилган конструктив ижтимоий мулоқот, Ўзбекистоннинг меҳнат соҳасидаги ўз халқаро мажбуриятларига нисбатан масъулиятли ва пухта ёндашуви, касаба уюшмалари фаолияти учун яратилган шарт-шароитлар юқори баҳоланди. — Халқ манфаатини ифодалаш борасида Президент

Шавкат Мирзиёев томонида олиб борилаётган улкан амалий ишлар Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлида муҳим қадамдир, — деди Россия мустақил касаба уюшмалари Федерацияси раиси М. Шмаков. — Бу касаба уюшмаларининг мақсади билан ҳам ҳамоханг. Бўлиб ўтган мулоқотлар мамлакатларимиз касаба уюшмалари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаши, шубҳасиз. Очик, амалий руҳда ўтган мулоқотларда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Россия мустақил касаба уюшмалари Федерацияси ўртасида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди. Тошкент шаҳрида Россиядаги Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси филиалини очиб, мазкур академияда Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари учун ҳафтalik ўқув курсларини ташкил қилиш ана шулар жумласидандир. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ва Россия мустақил касаба уюшмалари Федерацияси ўртасида Ҳамкорлик тўғрисида Келишув имзоланди. **Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

Саккиз тонналик палов

Унинг тайёрланиш жараёнини кўриш имкониятини қўлдан бой берманг.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

— Фестивалнинг мақсади Ўзбекистонимизнинг маданий қадриятлари, санъати, миллий ошонамизнинг рангбаранглигини кенг тарғиб қилиш, улар билан хорижлик меҳмонларни яқиндан таништириш, шу орқали сайёҳлик салоҳиятини янада оширишга ҳисса қўшишдан иборат, — дейди тадбир ташкилий гуруҳи аъзоларидан бири, "Milliy" телеканали бош муҳаррири Хусан Солихов. — Фестиваль халқ сайли тарзида кечади. Унда ҳунармандлар ярмаркалари, халқ ўйинлари ҳамда томошалар, бир қатор миллий расм-русумлар, фольклор шоуларни мужассам этувчи қатор лойиҳалар тақдим қилинади. Тадбирни телеканалимиз орқали тўғридан-тўғри эфирга узатиш режалаштирилган. "O'zbekim" миллий қадриятлар фестивали тадбирлари Сайилгоҳ кўчаси, "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи олдидаги майдон ва "Hyatt

Regency Tashkent" меҳмонхонасида бўлиб ўтади. Жумладан, очик осмон остида "Шарқ арт-бозори" ҳамда "Маҳорат дарслари" уюштирилади. Бунда Тошкент шаҳрининг ҳунармандлари ўз маҳоратини намоиш этади. "Гастрономик ярмарка"да эса ташриф буюрувчилар Хоразм, Бухоро, Фарғона, Самарқанд, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасига хос таомларнинг тайёрланишини томоша қилиб, егуликлардан татиб кўришлари, бир пиёла чой устида хордик чиқаришлари мумкин. Фестивалнинг яна бир аниқлиги — "Дорбозлар шоуси" ҳамда халқ ўйинларининг ўтказилишидир. Унда дорбозлар, полвонлар, олов ўйнатувчиларнинг чиқишлари, шунингдек, кўчкор ва хўроз уриштиришлари, яна қўллар миллий ўйин ҳамда томошалар ташкил этилади. Юртимизда мода саноати кенг ривожланаёпти. Шу мақсадда анжуман доирасидан ўрин олган "Fashion show" модалар намоишида етакчи дизайнер-

ларимиз дунё подиумларини эгаллаган миллий матоларимизнинг кўркем, бетакрор жиҳатларини кўз-кўз қилишди. Тадбир якунида миллий куй-қўшиқлардан иборат гала-концерт бўлиб ўтади. Юқорида қайд этганимиздек, фестивалнинг энг ёрқин воқеаси, бу — ўзбек миллий паловининг тайёрланишидир. Мазкур жараёнда Гинеснинг рекордлар китоби вакиллари ҳам бевосита қатнашадилар. Бунинг сабаби бор, албатта. Чунки ошпазларимиз пиширадиган палов миқдори жиҳатидан мисли кўрилмаган даражада, яъни қарийб 8 тонна бўлади. Айни шу кўрсаткич Гинеснинг рекордлар китобига "Энг улкан палов" сифатида киритилиши кутилмоқда. Фестиваль доирасида "Hyatt Regency Tashkent" меҳмонхонасида "O'zbekim" номи янги китоб-альбомнинг тақдими ҳам ўтказилади. **О. ЛУТФУЛЛАЕВ.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

S&P Global Ratings
халқаро рейтинг агентлиги

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи иқтисодий фаолият
миллий банкининг

кредит рейтингларини

ТАСДИҚЛАДИ.

Узоқ муддатли рейтинг: B+
Қисқа муддатли рейтинг: B

Рейтинглар истиқболи:

«Барқарор»

Ватанимиз равнақи йўлида сиз билан бирга!
www.nbu.com

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги
Гидрометеорология хизмати марказининг

Гидрометеорология илмий-текшириш институти
қуйидаги ихтисосликлар бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига қабул эълон қилади:

11.00.03 — Қуруқлик гидрологияси, сув ресурслари, гидрокимё.
11.00.04 — Метеорология, иқлимшунослик, агрометеорология.

Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: 100052, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72-уй.
Телефон: (0-371) 235-83-25. Автобуслар: 2, 38, 88, 89, 95, «Гидрометмарказ» бекати.

Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти

қуйидаги ихтисослик бўйича таянч докторантура ва мустақил изланувчиликка 2018 йил учун қабул эълон қилади.

06.01.07 — Мевачилик ва узумчилик — 2 ўрин.
Таянч докторантура ва мустақил изланувчиликка талабгорлардан қуйидаги ҳужжатлар жорий йил 15 сентябрдан 15 октябрга қадар қабул қилинади:

- институт директори номига ариза;
- паспорт нусхаси;
- қисқача биографик маълумотнома (ҳодимларни ҳисобга олиш шахсий варақаси ва таржимаи ҳоли);
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий таълим муассасасининг магистратураси дипломи ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумоти тўғрисидаги диплом нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.

Талабгорлар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонларини топширадилар (кириш имтиҳонлари жорий йил 1 ноябрдан 25 ноябргача бўлиб ўтади):

- мутахассислик;
- чет тили (инглиз ёки немис).

Мурожаат учун манзил: 111116, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Гулистон» фуқаролар йиғини, Чимкент йўли кўчаси.
Телефонлар: (0-371) 220-24-42, 220-26-82. Факс: (0-371) 220-26-48.

POS-ТИЗИМЛАРИ АВТОМАТЛАШТИРИШ **Micros**

Штрих-код сканерлари, Моноблоклар, Харидор учун Дисплей, Чек принтерлари, Тарозилар

ЖИҲОЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ:

- савдо жойлари (магазинлар/супермаркетлар);
- бутик, ноозик-овқат маҳсулотлари савдоси;
- ресторанлар, кафе, барлар;
- фитнес-клублар, бильярдхоналар, боулинг ҳамда бошқалар.

Моноблоклар, кассалар, штрих-код сканерлари, чек принтерлари, савдо тарозилари. Дастурий таъминот: Atoi, Microinvest, Айтида. Автоматлаштириш «калти билан».

Кичик Бешёғоч к., 86 (шаҳар ДИХХБнинг собиқ биноси қаршисида), тел.: (+99871) 200-34-34, (кўш. 850, 858), факс: (0-371) 281-43-65.

www.micros.uz;
e-mail: scales@micros.uz, micros@micros.uz

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 945. 79 476 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетаник ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Ташрифта келган қўламавлар таври қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахрират жавобгар эмас.
Газетаник етказиб берилиши учун обунани расмийлаштиришга ташкилот жавобгар.
Газета тахрират компьютер марказида термалди ҳамда оператор Ж. Тоғев томонидан сақлалади.
Газетаник полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бугаев.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусахҳиқ — С. Исомов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.57 Топширилди — 22.35 1 3 4 5 6